2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

15 (565)

2007 йил 11 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Тариқат ҳақида ҳақиқат
▶ «Mahalla» танқиди муаммога чек қўйди

3 ▶ Юрагида саховат ўти ёнган маҳалладош
▶ Мол ўғриси бегона эмас экан-да!

4 ▶ Искандари Соний — ижодкор хоннинг унвони...
▶ Мухлислари бисёр оддий ҳаваскор

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси спорт вазири, Миллий олимпия қўмитаси президенти, 2008 йили Пекин шаҳрида ўтказиладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари ташкилий қўмитаси ижрочи президенти Лю Пэн раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири, Миллий олимпия қўмитаси раиси Рустам Қурбонов билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори спорт соҳасида ҳам тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Музокарада спорт соҳасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболлари, икки мамлакат спортчилари ва спорт соҳаси мутахассислари ўртасида тажриба алмашишга доир янги лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди. Келгуси йили ХХР пойтахти Пекин шаҳрида ўтадиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига спортчиларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой делегацияси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда аҳолини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар спортини ривожлантириш, Олимпия ҳаракатини оммалаштириш каби кўплаб йўналишларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро майдонларда эришаётган улкан муваффақиятлари ва мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли спорт мусобақалари бунинг ёрқин далилидир.

Ташриф давомида Хитой делегацияси Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуи, "Олимпия шон-шуҳрати" музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси ва пойтахтимизнинг бошқа диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Хитойлик меҳмонлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрини ҳам зиёрат қилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳри

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Учтепа туманида Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси маркази иш бошлади

Р.ГАЛИЕВ ва М.АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Мазкур марказ Тошкент вилояти кўз микрохирургияси маркази базасида ташкил топди. Марказ биносини қуриш ва жиҳозлашга жами 900 миллион сўм маблағ сарфланди. Шундан 20 миллиони давлат бюджети ҳисобидан ажратилган бўлса, 180 миллион сўми ҳомийлар ҳиссасига тўғри келади.

Айни пайтда бу ерда 128 нафар малакали тиббиёт ходимлари фаолият юритмоқда. Улардан 30 нафари олий тоифали шифокор, 1 нафари тиббиёт фанлари доктори, 3 нафари тиббиёт фанлари номзоди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистонда янги иш ўринларини яратишда меҳнат ярмаркаларини ўтказиш яхши самара бераяпти.

ҚОНЛИКЎЛДА ИШЛИ КЎПАЙДИ

Бу борада Қонликўл тумани ҳокимлиги, меҳнат бўлими, туман прокуратураси, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 25 та ташкилот, корхона, ўқув муассасалари 75 та иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир якунида 64 нафар йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Бундай меҳнат ярмаркалари Оролбўйи ҳудудидаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам ташкил этилди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Навоий шаҳрида ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари якунланди. 1990-1991 йилда туғилган ўсмирлар иштирок этган мазкур мусобақада 200 нафар ёш спортчи ўн вазн тоифасида гиламга чиқди.

Кескин ва муросасиз кечган баҳслар самарқандлик Сардор Фузаилов, Маъмуржон Сатторов, Олимжон Нодиров, бухоролик Ойбек Камолов, Акмал Ҳамроев, Субхон Тошпўлатов, Амирхон Мирзаев, Акрам Раҳимов, хоразмлик Аминбой Давлетов, андижонлик Рустамбек Абдусамадовнинг ўз вазн тоифасидаги ғалабаси билан якунланди.

Ғолиблар шу ойнинг охирида Самарқанд шаҳрида ўтадиган Осиё биринчилиги саралаш мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Андижон вилояти

САЙЁР ШАХОБЧАЛАР

улар нафақа тарқатишда қулайлик туғдирмоқда

Бугун халққа кўрсатилаётган хизмат турлари тобора такомиллашмоқда. Халқ банки Асака шаҳар ва тумани филиали томонидан нафақа ва ёрдам пулларининг ўз вақтида тарқатилишини таъминлаш мақсадида сайёр шахобчалар ташкил қилинганига ҳам бир йил бўлди. Бу янгилик самараси ҳақида Асака шаҳридаги Теша Матёқубов номли маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Ойгул Асқарова шундай дейди:

— Маҳалламизда 130 нафар болага нафақа берилади. Илгари ота-оналар нафақа ва ёрдам пулини олиш учун вақт кетказиб, халқ банкининг шаҳар марказидаги ғазна-шахобчаларига боришарди. У ерда эса ҳар доим ҳам пул берилавермайди. Эндиликда банк ва маҳалламиз ўртасида тузилган шартномага биноан ҳар ойнинг белгиланган бир кунида банк ходимлари маҳалламизга ташриф буюришади. Бу фуқароларимизга ҳам қулайлик туғдирмоқда.

— Халқ банки сайёр шахобчаси ходимлари олдиндан белгиланган жадвал асосида ҳар ойнинг икки кунида маҳалламизга келишади ва барча турдаги нафақа пулларини тўлалигича тарқатишади, — дейди Асака туманидаги Янгисор маҳалласи фуқаролар йиғинининг котиби Иброҳимжон Ғофуров.

Айни пайтда Халқ банкининг Асака филиали бошқаруви шаҳар ва туман бўйича 72 та маҳалла фуқаролар йиғини билан ўзаро шартнома асосида иш олиб бормоқда. Бунинг учун зарур техника воситалари билан таъминланган 4 та сайёр шахобча очилиб, унга ўн нафарга яқин малакали мутахассис бириктирилган.

Умаржон АБДУЛЛАЕВ

Фарғона вилояти

МАСЛАҲАТЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Вилоят маҳаллаларида ишлаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятга оид билимини ошириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашишига шароит яратиш мақсадида Тошкент Ислом университети профессор-ўқитувчилари ёрдамида ҳудудий ўқув-семинарлар ўтказиш режалаштирилган эди.

Яқинда вилоятда 990 нафар маслаҳатчи учун навбатдаги ўқув-семинарлар ўтказилди.

Учта гуруҳда ўтказилган ушбу тадбирда "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти, "Оила" кодекси ва оилада ота-она, фарзандларнинг ўрни, "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий ҳамкорлик", "Тошкент — ислом маданияти пойтахти. Диний-маънавий адабиётлар ва манбалар: танқидий ва таҳлилий муносабатлар зарурияти", "Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун асослари, "Қуръон — Шарқ халқларининг диний, илмий ва маданий мероси сифатида", "Ислом маърифатида Ватан ва ватанпарварлик туйғуси", "Ижтимоий ҳимоя йили"да маҳалла маслаҳатчилари олдида турган вазифалар ҳақида", "Фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ёшлар билан ишлаш" ва бошқа масалалар бўйича кўплаб маърузалар тингланди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Газетада эълон қилинган мазкур мақолада пойтахтимиздаги баъзи бир "Тўхташ жойлари"даги ҳолатлар ҳақида, хусусан, улардаги нарх-наво ҳамда тартиб-қоидалар хусусида мулоҳазалар билдирилган эди. Қуйида шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар мутасадди ташкилоти муносабатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мақола ва муносабат: "Тўхташ жойи"да тўхтам бўладими?" 2007 йил 7 февраль

ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

"Тўхташ жойи"да тўхтам бўладими?" сарлавҳали мақола юзасидан "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси бошқаруви қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада қайд этилган автотўхташ жойи "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси тизимидаги "Паркент ихтисослашган бозори" акциядорлик жамиятига қарашли бўлиб, ушбу автотўхташ жойи 2005 йил 1 апрелдан "Барқарор Хизмат" масъулияти чекланган жамиятига ижарага берилган. Мазкур ижара шартномасига асосан, автотўхташ жойи фаолиятини белгиланган тартибга мувофиқ ташкил қилиш, ижарага олинган мулкни қатъий ихтисослашувига мувофиқ ишлатиш, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳудудда барча санитар нормаларга риоя қилинишини таъминлаш масъулияти ижарачига юклатилган.

"Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси тизимидаги бозорларнинг автотўхташ жойларида хизмат ҳақи миқдори автоулов турар вақтидан қатъий назар бир кунга 500 сўм белгиланган бўлиб, ижарага берилган автотўхташ жойларида хизмат ҳақи миқдорлари ижарачи томонидан белгиланади.

Шунингдек, мақолада Ўрикзор даҳасидаги "Чилонзор-Карвонсарой" ҳамда "Сергели машина бозори" деб қайд этилган бозорлар "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси тизимига кирмаслигини билдирамиз.

"Паркент ихтисослашган бозори" олдидаги кўчалар бўйлаб автотранспорт қатновини тартибга келтириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 19 мартдаги "Паркент" кўчасидаги транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш тўғрисида"ги 200-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга мувофиқ юқорида номи қайд этилган автотўхташ жойи майдонидан қисман олиниши ҳисобига Паркент кўчасидаги трамвай йўли бўйлаб 0,12 га ер майдонида қўшимча маҳаллий йўл ташкил қилинди. Мазкур ишлар Ички Ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга оширилди.



Р.Т.ИНОҒОМОВ,
Уюшма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган изчил ислоҳотлар жараёнида жамиятнинг қуйи бўғини бўлган оиланинг ҳуқуқий асослари ҳам тобора мустаҳкамланмоқда.

ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор ЁҚУБОВА билан суҳбати ана шу жараёндаги янгиликлар ҳақида бўлди.

ОИЛА ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

— Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу боис бугунги кунда соғлом оилани шакллантириш ишлари долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида оила қураётган ёшларнинг деярли барчаси ушбу жараёнга жалб қилинаётир. Натижада тиббий кўрик пайтида аниқланаётган айрим хасталикларнинг никоҳдан аввал даволаниши носоғлом оила бунёд бўлишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан имзоланиб, шу йил 6 апрелда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Ушбу модданинг янги таҳрири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни судларда ҳал қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Оила қуришнинг айрим нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларидаги муайян зиддиятларни бартараф этиш мақсадида мазкур ҳужжатга ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганлиги суд томонидан никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилиши учун асос бўлиши белгилаб қўйилди.

— Оила ҳуқуқий асосларининг узвий бир қисми бўлган никоҳ шартномаси ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Никоҳнинг расмий қайд этилиши унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини юзага келтиради. Оила қураётган бугунги ёшлар ичида бу жараёнгача тадбиркорлик қобилияти ёки интеллектуал салоҳияти билан моддий-молиявий жиҳатдан анча нарсага эришганлари кўпчиликни ташкил этади. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулки фақат ўзининг мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки эса уларнинг никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бўлиши мумкин.

Буларнинг барчаси никоҳ шартномасида акс эттирилса, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари таъминланиб, ўзаро келишмовчилик чиқишининг олди олинади.

— Никоҳ шартномаси қачон тузилади ва унинг мазмуни қандай бўлиши керак?

— Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ва никоҳ даврида тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва албатта нотариал идора орқали тасдиқланиши керак.

Никоҳ шартномасига кўра, эр ва хотин биргаликдаги ёки барча мол-мулкка, унинг айрим турларига ёхуд уларнинг ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликда, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида бир-бирини ўзаро моддий таъминлаши, оила харажатларини биргаликда кўтариши, бир-бирининг даромадидан улуш олиши, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиши мумкин. Никоҳдан ажралганда эса эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли. Бу ҳужжатга оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига зид шартларни киритиш мумкин эмас.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талабига кўра фақат суднинг ҳал қилувчи қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Умуман олганда, бу қоидалар ўзаро тенглик тамойилига асосланган бўлиб, оила аъзоларининг мол-мулкдан фойдаланишдаги баравар ҳуқуқини таъминлайди.

ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

— Яна нима дейсиз?
— Бугун «Пахтакор» ва «Нефтчи»нинг ғалабасидан умидвормиз!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz
Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Диккат, янгилик!

ХАВФСИЗЛИК КАМАРИ ТАҚИЛИШИ ШАРТ

Жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан хавфсизлик камарига эга бўлган автоуловларда ҳайдовчилар ҳам, йўловчилар ҳам хавфсизлик камаридан фойдаланишлари лозим.

Бу қоидани бузганларга "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 125-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Қонунида жазо чоралари белгиланган.

Ушбу Қонун Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси томонидан шу йилнинг 22 мартида қабул қилиниб, 30 март куни Сенат томонидан тасдиқланди. Янги таҳрирдаги Қонунда хавфсизлик камарларидан фойдаланиш қоидаларини бузган фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жаримага торитилиши назарда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

Ҳаракат дастури — амалда!

ЎҚУВДА ПРОФИЛАКТИКА МАВЗУСИ

Бугунги кунда маҳалла — минг йиллар давомида яшаб келаётган шарқона демократиянинг асосий тамойилларига ва жамоа фикрига асосланган, ўзбек халқининг анъанавий урф-одатлари, тарихий шаклланган миллий давлат бошқаруви маданиятини ўзида мужассам этган ижтимоий тузилма деб тан олинди.

Йиғин раисларига уларнинг фаолиятида кўмаклашиш, яъни, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2006 йил 25 декабрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури" тасдиқланган эди. Дастурга асосан жорий йилнинг 2 февралидан 17 март кунларига қадар юртимизнинг барча вилоятлари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда пойтахтдаги барча фуқаролар йиғинлари раисларини жалб қилган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, бу ҳужжатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий моҳиятини англатувчи семинар-йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу тадбирларда маҳаллалар оқсоқолларининг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ҳамда раҳбарлик малакаларини оширишга эришилди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган 9950 нафар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари қатнашган ўқув-семинар йиғилишларига Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси томонидан "Маҳалла аҳолисининг бандлик масалалари", "Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни, профилактика инспекторлари ва "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмаларининг маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хавфсизликни таъминлашдаги вазифалари", "Маҳалла бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни, фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг асосий вазифалари", "Фуқаролар йиғини фаолларининг ёшлар билан ишлаш, уларнинг маънавий соғлом қилиб тарбиялашдаги ўрни" мавзусидаги маърузаларнинг барча ҳудудлардаги тингловчилар эътиборига ҳавола этилиши таъминланди.

Бўлиб ўтган семинар-йиғилишларда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкенг шаҳри Ички ишлар бошқармаси раҳбарлари, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиқлари ва шаҳар, туман ички ишлар бўлими бошлиқлари ҳудуддаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда маҳаллада жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифалар тўғрисида ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Шунингдек, ўқув-семинарлар жараёнида маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳамда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллада фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли диний-экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш, бундай оқимларга адашиб кирган ёки шундай таъсирга мойиллиги бор шахсларни аниқлаш, улар билан тегишли профилактик огоҳлантирув тадбирларини олиб бориш, ижтимоий муаммолар ечими учун ўз вақтида чора белгилаш борасида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини оширишга эришилди. Жумладан, ушбу масалаларда ҳудуд профилактика нозирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тавсия этилди.

Жабборқул АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.

СУРАТДА: *Табассум маҳалласида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида ёши улуғ кексалар совғалар билан сийланди.*

Қашқадарё вилояти

ТАБАССУМда ТАНТАНА

Маҳалламиз фуқаролари тотув яшайдилар. Бу тотувлик, айниқса, бирор сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар, байрамларда яққол сезилади. Яқинда йиғинимизда Наврўз байрамига бағишлаб, "Наврўз — асрларга тенгдош қадрият" мавзусидаги анъанавий маънавий-маърифий, бадиий-мусиқий тадбир ўтказдик.

Тадбирда байрамона дастурхон тузалди, маҳалламиз аҳли, жумладан ҳудудда яшайдиган 150 та кам таъминланган оилалар аъзоларини дастурхон атрофига жамладик. Дошқозонда сумалак пиширилди. Баҳорий бу тансиқ неъматни кўпчилик билан баҳам кўрдик. Маҳалламизга яқин жойлашган "Мурувват уйи" ва жисмоний имкониятлари чекланган болалар тарбияланадиган мактаб-интернатга ҳам сумалак етказилди. Тадбирда қатнаша олмаган ётиғлиқ, ногирон маҳалладошларимизни хонадонларига бориб йўқладик. Бундан ташқари, байрам бадбирида эл-юрт, маҳалла-кўй ишига камарбаста бўлган 44 нафар ёши улуғ кексаларга ҳам совғалар улашилди.

Ушбу тадбирни ташкил қилишда вилоят "Иссиқлик манбаи" ОАЖ, "Барокат" савдо мажмуи маъмуриятлари, "Висол" ресторани жамоаси ва бошқа тадбиркорларимиз кўмагига суяндик.

Хуррам АЗИЗОВ,
Қарши шаҳри Табассум маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Тошкент вилояти

Маслаҳатчи тажрибасидан

ТАРАҚҚИЁТ ТАШАББУСДАН БОШЛАНАДИ

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ҳар йили ўтказиладиган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" танлови совриндори — Тошкент тумани Чоштепа қишлоқ фуқаролар йиғини Наврўз маҳалласи маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова билан маҳалла фаолияти, маслаҳатчи зиммасидаги вазифаларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида суҳбатлашдик.

— Бугун шундай бир даврда яшаяпмизки, элюрт равнақи учун қўшган заррадек ҳиссамиз ҳам эътибору эътирофдан четда қолмайди, — деб сўз бошлади Ёқутхон опа. — Айниқса, маҳалла ишида ютуғингиз ҳам, камчилик ва муаммоларингиз ҳам тез кўзга ташланади. Шундай экан, фуқаролар йиғинида жон куйдириб ишлаб, элнинг олқишини олишга нима етсин!

Бугун маҳалламиз ва маҳалладошларимиз ҳаётига дахлдор ютуқлар талайгина. Ҳудудимиз тинч ва осойишта. Маҳаллада ҳашар йўли билан тиббиёт шаҳобчаси қурилиб, ишга туширилди, 490 ўринли янги мактаб биноси қурилиши бошланди. Ўтган йилда 55 та янги иш ўрни яратилди, касаначилик ривожланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга давлат томонидан бериладиган нафақалардан ташқари, 7 миллион 470 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Айниқса, жамоатчилик ишида аёлларимизнинг фаоллиги ошиб бораётганидан қувонаман. Ўтган йилда маҳалламиз оқсоқоли, кўчабоши аёллар, мактаб жамоаси ва ҳомийлар ёрдамида ўтказилган 30 дан зиёд тадбирларимиз самараси бу.

Фаол хотин-қизларимиздан Х.Юнусжонова "Энг кўп гул етиштирган хонадон", М.Нуримова эса "Аёл — баркамол авлод тарбиячиси" кўрик-танловларининг вилоят босқичларида фахрли ўринларни эгаллашди. Йиғинимиз раиси Мирзоид Мўминов эса 2005 йил якунида "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишдаги энг фаол маҳалла оқсоқоли" кўрик-танлови ғолиби, полвон ўғлонимиз Дилшод Рихсиев спортнинг кикбоксинг тури бўйича жаҳон биринчилигида бронза медали соҳиби бўлди.

Албатта, бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Бунинг бош омили маҳалламиз ходимларининг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан боғлиқ. Энг асосийси, фуқаролар йиғини ишини ташкил этишда тўғри ва самарали услубдан фойдаланиш керак.

Хонадонма-хонадон юриб, аҳолига кўча бўйига чиқиндиларни ташламанг, фарзандларингизни спортга жалб қилинг, йиғин ишига кўмаклашинг, дея шунчаки йўриқ ўргатсак, кутилган натижага эришиш қийин. Балки, бу даъватларни кўрик-танловлар ёхуд турли қизиқарли тадбирлар воситасида оммага етказилса, айни муддао бўлади.

— Маҳалладаги мавжуд муаммоларга ечим топишда кимларнинг кўмагини эътироф этасиз?

— Йиғинимиз ҳамкорлари жуда кўп. "Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази", туман хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" республика илмий-амалий маркази, ҳудудимизга қўшни бўлган Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Оқтепа маҳалласидаги 274-мактаб маъмурияти ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари шулар жумласидан. Қолаверса, ютуқларимизни эътироф этиш ва муаммоларимизни бартараф этишда севимли нашримиз —"Mahalla" газетасининг хизмати ва ҳиссаси беқиёс. Аниқ эсимда, 2004 йилнинг март ойи эди. "Mahalla"да "Оқсоқолнинг эртаги" номли танқидий мақола эълон қилинди. Унда маҳалламизда ўз ечимини топмаган муаммо — хонадонлар томорқаси устидан ўтган юқори кучланишли электр симларини хавфсиз жойга кўчириш ҳақида сўз юритилган эди. Ушбу мақола чоп этилганидан сўнг, кўп ўтмай мавжуд муаммо ижобий ҳал этилди.

Ф.БЎТАЕВ суҳбатлашди.

Ер эгаси ютуғи

"ЮКСАЛИШ САХОВАТИ"

унинг саховатидан Янгиқўрғон қишлоғи аҳолиси баҳраманд бўлмоқда

Олтиариқ туманидаги Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Алломов билан Юксалиш маҳалласи фуқаролар йиғинига кириб борар эканмиз, йўл-йўлакай у қишлоқ ва маҳаллада амалга оширилган ободончилик ишлари ҳақида тўхталди:

— 2005 йилда Қудратали Тўйчиев ўз ҳисобидан Юксалиш маҳалласи идораси учун бино қуриб берган эди. Ўтган йили эса маҳаллага кираверишда рамзий дарвоза қурдирди, маҳалладаги икки томонлама йўлни асфальтлаштириб, ўртасини гулзорга айлантирди. Бундан ташқари, байрам тадбирлари, тўй-маъракаларни ўтказишда ҳам унинг ёрдами катта.

2006 йилнинг эрта баҳорида Охунбобоев номли ширкат хўжалиги Марказий Фарғонанинг Қизилтепа даҳасида жойлашган иккита камҳосил бригададан Қудратали хожига 168 гектар ер ажратиб берилди. Шу тариқа "Юксалиш саховати" фермер хўжалиги ташкил топди. Хўжаликка қарашли 70 гектар ерга кузда буғдой экилган эди. Баҳорда 78 гектар майдонга чигит, қолган қисмига эса маккажўхори ва бошқа экинлар экилди.

Хўжалик ишчи-хизматчиларининг астойдил қилган меҳнатлари, ҳосилга ўз вақтида берилган ишлов, ўғит ва сув режадаги 180 тонна ўрнига 200 тонна пахта олиш имконини берди. Буғдой етиштириш, ем-хашак жамғариш бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди.

Фермерларнинг ишини техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни яхши англаган Қ.Тўйчиев ҳам олинган даромадни асосан техника воситаларини сотиб олишга йўналтирди. Ҳозирда хўжалик ҳисобида 1 та юк машинаси, 4 та трактор бор. 2 та автобус эса қишлоқ билан чўл ўртасида хўжалик меҳнаткашларининг узоғини яқин қилмоқда.

Айни кунларда хўжаликда иш қизғин. 74,5 гектар ерга экилган буғдой майсалари ер бетини қоплаган. Уларга ўғит солиниб, суғориляпти. Кузда шудгорланмай қолган майдонларнинг шўри ювилмоқда. Бир гуруҳ ишчилар эса ариқ-зовурларни тозалаш билан банд.

Хўжаликда пахта ва ғалладан ташқари, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор катта. Ҳозирда бу ерда 50 бош қорамол учун молхона мавжуд. Унинг ёнидан яна 100 бош қорамолга мўлжалланган молхона ва омборхона қурилиши бошлаб юборилган. Йил якунига қадар бу ердаги қорамоллар сонини 200 бошга етказиш, шунингдек, паррандачилик ва қўёнчиликни ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

— Маҳалламизда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун барча қулайликлар яратилмоқда. Келгусида "Ёшлар маркази"ни ташкил этишни режалаштиряпмиз. Марказда маҳалламиз ёшлари дам олиб, спорт билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятига эга бўлади, — дейди фермер.

Толибжон ТУРСУНОВ,
"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг "Меҳр ёғдуси" газетаси бош муҳаррири.

Фарғона вилояти

Вилоятда уч босқичли "Энг обод маҳалла гузари" кўрик-танловининг биринчи босқичига якун ясалди. Кўрик-танловда вилоятдаги шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг кўпчилиги қатнашди.

ОБОД ГУЗАРЛАРНИНГ ОБОДИ

Уни ташкил этиш учун ишчи гуруҳи аъзолари жойларда бўлиб, белгиланган Низом асосида маҳалла гузарлари ташкил қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилган ишларни синчиклаб ўргандилар ҳамда баҳоладилар.

Натижага кўра, 50 га яқин маҳалла гузари энг обод гузар деб топилди. Уларнинг 19 таси эса кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашиш учун тавсия қилинди.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи якуни шуни кўрсатдики, вилоятдаги ҳар бир маҳалла аҳолиси ўз ҳудудида барча қулайликларга эга бўлган замонавий гузар қуришга астойдил киришган. Бу ишда уларга ҳомийлар ва тадбиркорлар яқиндан ёрдам бермоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ—24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги» лойиҳаси йўналишида тайёрланди.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА

"...Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра, нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга муносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки, шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли..."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳамоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасидан.

Сабоқ

Тасаввуф, тариқат... ва ҳақиқат

Уни замондошимиз қандай тушунади ва қандай талқин этади?

Мусулмон оламининг катта бир бўлаги саналган, айни пайтда ўз тарихи давомида шу оламнинг янада бойиб боришида, исломий илмлар, ислом ақидасининг такомилида буюк алломалари хизмати билан ўта муҳим аҳамият касб этган юртимизда тасаввуф ва тариқатга бугунда ҳам ўзгача муҳаббат, алоҳида эътибор мавжуд. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётида ва асри саодатда тасаввуф йўли алоҳида бир йўналиш сифатида кузатилмаса-да, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва ул зотнинг асҳоблари ҳаёти ва турмуш тарзларида тасаввуфнинг мавжудлигини кўриш мумкин эди. Зеро, улар шариат талабларини бекаму кўст бажариш билан бир қаторда нафс тарбияси ва Аллоҳ ризолигини қозониш учун алоҳида эътибор ва жидду жаҳд билан ҳаракатда бўлар эдилар.

Юртимиз тарихидан Ислом дини бу заминда қайси даврларда ривож топгани, қайси даврда унинг йўлига сунъий тўсиқлар қўйилгани ҳам маълум. Бугунги — мустақиллик даврида мусаффо Ислом динимизга эътиқодда бўлиш имкониятлари халқимизга қайтарилди. Мустақиллик ва Юртбошимизнинг оқилона сиёсати берган имкониятлар туфайли ўтмишда аждодларимиз томонидан шакллантирилган ва халқ эҳтиромида бўлган тасаввуф ва тариқат йўли ҳам ўз эркинлигига муяссар бўлди. Буюк аллома, пири комил бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ислоҳ қилинган ва янада ривож топган тасаввуф йўли аста-секин халқимиз маънавий оламини бойитишда, тарбиётини йўлга қўйишда ўз аҳамиятини кўрсата бошлади. Бу борадаги тарихий манбалар эҳтиёж даражасида, яъни қайта-қайта нашр этилаётгани ва шунингдек, барча оммавий ахборот воситалари, ўқув дастурлари, оммавий тадбирлар, диний маросимлар орқали бу йўналишларнинг элга етказилаётгани, унинг сир-асрори очилаётгани каби ҳақиқатдан ҳам ҳеч ким кўз юма олмайди. Лекин бу ҳаётда ҳақиқат ва сохтакорлик бўлганидек, бугун тасаввуф ва тариқат талқинида ҳам шундай ҳоллар учраяптики, бу билан Ислом дини қоидалари ҳам, шу йўналишнинг асл моҳияти ҳам бузилаётганини таъкидлаш лозим бўлади. Ҳа, афсуски, тасаввуфни тўғри англаб, унинг мақсадларига садоқат билан ҳаракат қиладиганлар билан бирга ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун уни ўз мақсадига хизмат қиладиган мазмунда, яъни нотўғри талқин қилувчилар ҳам замондошларимиз орасида йўқ эмас.

Шу кунларда юз берган бир ҳолат, яъни Бухоро шаҳрида яшовчи Раҳматилло Жўраев деган юртдошимизнинг ҳаракати Ислом дини ақидаларидан, Нақшбандия тариқатидан озгина бўлса-да воқиф бўлган кишининг таажжубига сабаб бўлади. Қирқ беш ёшли бу миллатдошимизнинг маълумоти ўрта, касби — пайвандчилик, ҳеч бир жойда, ҳеч бир манбадан диний билим ўрганмаган. Шундан келиб чиқиб ўзўзидан маълумки, пирлик хусусияти нари турсин, Нақшбандия тариқатининг ўзи нималигини ва унинг шариатдаги моҳиятини, унинг йўналишини ҳам тушунмайди.

Аммо қарангки, Р.Жўраев одамлар орасида ўзини Нақшбандия тариқатининг "пири" деб эълон қилади ва эллик нафарга яқин қишлоқдошини ўз ортидан эргаштириб, уларга етакчилик қилиб юради. Во ажабо! Бундай мақомга эгалик шу даражада осон экан унинг назарида. Ҳамқишлоқлари унинг бу мавқега етишиш йўллари ҳақида сўрашганда айтган даъвоси эса янада ажабланарли. Эмишки, у 1997 йилда кунларнинг бирида Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари хонақоҳларида тажалли тушган, унга "пир" эканлиги тўғрисида зикр келганмиш. Шундан сўнг у ўзини Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди деб эълон қилиб, "пир" сифатида фаолият кўрсатиб келаверган.

Шу ўринда, яъни бундай воқеликлар рўй бериб турганда — шариат ҳукмларини ким, қаердан, қандай олиши ва унинг қўлланиши борасида мулоҳаза қилиб кўриш эҳтиёжи пайдо бўлиши табиий ҳол. Ислом тарихидан маълумки, шариат ҳукмларини асосан Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардан олган ижтиҳод ва усул аҳли (бу ўринда вужудга келган ихтилофларга қарамасдан) ҳукмларни ўз ўрнида қўлловчи ва шариатни барпо қилувчилар бўлиб, улар Ислом дини учун беқиёс хизмат қилгандир. Таассуфки, ҳукмлар борасида биздан аввал ўтган исломий саводхон аллома аждодларимиз тўғри талқин қилиб, бизга қолдириб кетган диний, маънавий, маърифий мерос ва қадриятлар турганда, ҳукмларни ўзларича талқин қиладиганлар, хусусан, шариатни тариқат ҳамда тасаввуфдан айри тушунадиганлар ҳам борки, уларнинг бу хатти-ҳаракатлари халқлар, миллатлар, одамлар ўртасида низо ва ихтилофлар келтириб чиқарувчи омил бўлмоқда. Ўзларини гўёки салафлар даврида яшаётгандек ҳис қилиб, туриш турмушию яшаш тарзи билан атрофидагиларга ўз таъсирини ўтказишга уринишлари билан қайсидир маънода "намуна" бўлаётган "ҳақиқий" тасаввуф эгалари ўз ҳаракатлари ва сўзлари орқали аслида ислом илмидан заррача хабарсизликларини кўрсатиб қўймоқдалар. Аммо улар оммага нисбатан анчагина таъсирчан кўриниш ҳосил қилмоқдалар. Шу таъсир имкониятидан фойдаланиб, кишилар тасаввурида диннинг моҳиятини тор қилиб кўрсатиб, асосий ҳукмларни четлаб, жузъий, яъни, иккинчи даражали амаллар билан машғул бўлишни тарғиб этмоқда. Булар — аслида ҳақиқий тасаввуф ва тариқатдан анчагина йироқ бу кимсалар ўзларини шу соҳанинг билимдонлари қилиб кўрсатиб, омма олдида шу юксак мақомда туриб мурожаат қилади, муносабатда бўлади. Шубҳасиз, бу — уларнинг қайсидир маънода эл орасидаги таъсирини таъминлайди. Ҳатто мазкур таъсир доираси нафақат оддий халқ оммаси, балки баъзи бир маҳаллий бошқарув идораларига ҳам етмоқда. Шунингдек, уларнинг омма орасида баъзи бир мақсадларда маблағ йиғилишини ташкил этиш, Ислом дини номидан дунёвий фанларга, илмга қарши маъруза қилишларини айтмайсизми? Ахир ҳақ гапни айтганда илмий қашфиётлар, техникавий ва замонавий тараққиёт даврида салафлар давридаги одатни қўллаб, қашфиётлар, эҳтиёжимизга зарурий воситалардан ихтиёрий воз кечиб яшаш, бошқаларни ҳам шунга мажбурлаш на диний ақидаларга, на дунёвий тараққиёт мантиғига тўғри келади.

Тарихга назар ташлаган ҳар бир одам гувоҳ бўладики, бирон ҳудуд, масалан, қабила, қишлоқ, овул аҳли олдида ўзини масъул деб билган ёки шу ҳудудлар бирлигида истиқомат қилувчи муридлари мавжуд бўлган шайх ва муршидлар мазкур жойларга ўз иршод ва таълимотларини олиб борганлар. Бу ишларни амалга ошириш давомида ўзининг дунёвий қизиқишлари ва маблағ орттириш тушунчаларидан бутунлай холи бўлганлар. Уларнинг бош мақсади — аҳолини диний илмли, маърифатли қилиш, одамларнинг дунё ва охират ишларига алоқадор муаммо ва қийинчиликлари ечимига кўмаклашишдан иборат эди. Диний можаро ва тушунмовчиликлар бўлганда ижтиҳодга ҳам бош урганлар. Муҳими, улардаги бундай масъулият ота мерос эмас, балки Аллоҳнинг бир неъмати саналган эди ва уларнинг ўзлари ҳам буни шундай тушунганлар.

Бугунги замон кишисида "Хўш, алломалар ўзларининг бу каби ҳаракатлари учун моддий манфаатдорлиги бўлмагач, уларнинг дунёвий ташвишлари қандай ечим топган", деган савол туғилади. Бу савол жавоби яна тарих тилсимларини очиш билан топилади. Яъни юртимиз ўтмишига оид тарихий манбаларга мурожаат қилсак, юртга, халққа шу йўсинда хизмат қилган тасаввуф алломалари ўз моддий эҳтиёжларини таъминлаш учун бирон бир ҳунар, касб-кор билан машғул бўлганликларига гувоҳ бўламиз. Салафлар тушунчасида дин тарғиботи, илму ирфон тарқатиш ҳисобига моддий манфаат кутиш — илмга ва Аллоҳ берган масъулият неъматига нисбатан суиистеъмолчилик деб қабул қилингани ҳам мавжуд ҳақиқат. Зотан, биз тарихни ўрганиб билган Нақшбандия тариқатининг асосий меъёрий талабларидан бири —"Дил баёру даст бакор" ("Қалбинг Аллоҳдаю, қўлинг меҳнатда бўлсин") тамойили бўлган ва бу тамойил бугунда ҳам аҳли мусулмоннинг шиори бўлмоғи даркор.

Аллома аждодларимиз — тасаввуф тарғиботчилари замонамиздаги баъзи бир сохта "тасаввуф эгалари"дан фарқли ўлароқ, дин ва дунёга нисбатан бир хил муносабатда бўлганлар ва уларни қадрлаганлар. Мусулмон оламининг дунёвий соҳада ҳам ривожланишини таъминлашга ўзларини масъул, деб билганлар.

Аёнки, аждодларимиз тарихда диний саводхон бўлиш билан бирга ўз урф-одатлари, анъаналарига ҳам эга бўлганлар. Замондошларимиз орасидан баъзиларининг динга эътиқод баҳонасида қўшни мамлакатлар ва ҳатто Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳамда баъзи бир араб мамлакатлари урф-одатларида мавжуд бўлган ҳаракатларни бажаришларию, қиёфаларини шунга мослашларини миллийлигимиз, тарихий анъаналаримиз, диний ақидаларимиз юзасидан ижобий баҳолаб бўлмайди, бизнингча. Айнан биздагидек ёки хориждагидек кийиниш тарзини ислом ҳукмларидан, деб қабул қилиш онгли мусулмон деган номга номутаносибликдир. Айниқса, суннат сифатида қўйилган соқолларини тарвақайлатиб юбориш, "суннат" деб билган либосни киши ўз таъбию назокатига зид бўлса-да кийиб, номуносиб ўринларда шу қиёфада ислом номидан вакиллик даъво этиш мусаффо Ислом динимизга таъна-дашном олиб келади, холос.

Агар қайсики пир ёки шайх ўзлари етиштирган "мурид"лар томонидан таҳорат олган сувлари таборрукан ичилаётган ва ҳатто ўша сувни талашиб ёқа йиртишгача етаётган вазиятга сабабчи экан, улар ўзларига олган масъулиятни тушуниб етмаган, халқ садоқати ва ихлосига нисбатан хиёнат қилган ҳисобланадилар. Улар диний масалаларда таассубга берилишдан ташқари, дунёвий ривожланишларга ҳам бефарқ, бегона бўлиб қоладилар. Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун тақазосини англамай костюм кийган мусулмонларга нописанд сўз билан муносабатда бўлаётган "намоёнда" ўз навбатида мусулмонлар ўртасидаги ихтилофга ҳам сабабчи бўлиб қолади.

Омма орасида "пирлик" ва "муршидлик"ни йиғиб кетиш ҳам тасаввуф аҳли мақомига муносиблик эмас. Одамларни заруратсиз, мажбуран қўл ювишга, моҳиятига тушунмаган ҳолда салла ўрашга, ўринли-ўринсиз назр қилишга, пирдан мадад сўрашга, ҳатто унинг хато қилиб турганлигини билгани ҳолда ҳам унга қарши чиқмасликка, замонавий ривожланишларга бефарқ бўлишга, тасаввуфни фақатгина "эркини пирга топшириш" деб билишга, шариатга зид бўлса-да берилган буйруқларни сўзсиз амалга ошириш каби, аслида тўғри бўлмаган ҳаракатлар ундаётган тариқат "пешво"лари халқимиз эътиқоди ва Исломнинг тўла — онгли тушунилишига қарши жиддий хатар эмасми?

Тасаввуф ва тариқатнинг бугунги замондошимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан тўғри англаниши, аслида бу эгизак сўзнинг мақсадини янада ойдинлаштиради. Бу шубҳасиз, ислом ақидаларининг, шунингдек, Нақшбандия тариқатининг инсон маънавиятини юксалтиришдек асл йўналишининг ҳаётдаги инъикоси бўлади.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори.

Ижтимоий ҳимояда йиғинлар ва фуқаролар фаоллиги

Бухоро вилояти

Маъмур Акрамов тадбиркорлик соҳасида ўзининг дастлабки фаолиятини 1992 йилда Пешку қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи "Акрам" кичик корхонасини ташкил этиш билан бошлаган эди. Орадан икки йил ўтиб, корхона қошида бир кеча-кундузда 10 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмон қуриб фойдаланишга топширилди. Натижада маҳалла аҳолисининг ун таъминотига бўлган талаби қондирилди. 5-6 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Яна бир қувонарли жиҳати, тегирмон ҳисобидан ҳудуддаги 20-25 нафар эҳтиёжманд оилаларга ҳар йили 100-150 килограммдан ун ёрдам сифатида бериб келинмоқда.

Тадбиркорнинг Тоғтани – ЭЛГА

1997 йилда эса тадбиркор М.Акрамов пишиқ ва хом ғишт ишлаб чиқарадиган кичик заводни қуриб ишга туширди. Шу тариқа "Акрам" кичик корхонасининг иш ҳажми ҳам, имкониятлари ҳам ошди, иш ўринлари 30-40 тага кўпайди. Бу ерда ҳар йили қурилиш ишлари олиб бораётган эҳтиёжманд оилаларга 100 минг донадан ортиқ ғишт бепул етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда Маъмур Акрамов фермерлик фаолиятини ҳам бошлаб юборган. Бундан ташқари, у ўз корхонаси қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, гўшт ва сут етиштириш мақсадида қорамоллар кўпайтиришни ҳам йўлга қўйган. Айни пайтда ёрдамчи хўжалик ҳисобида 100 бошдан ортиқ қорамол ва 500 бош қўй парвариш қилинмоқда.

Тадбиркор Маъмур Акрамовнинг амалга оширган ишлари шулар билан кифояланмайди. У 2000 йилда салмоқли маблағ сарфлаб "Хўжа Пешку" зиёратгоҳини тўлиқ қайта таъмирлади. Зиёратгоҳ атрофи пишиқ ғишт билан ўралиб, йўлаклари ва 1 километр узунликдаги йўли асфальтланди. 10 миллион сўм маблағ эвазига корхонага қарашли дорихона ва тиш даволаш маскани қурилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. "Акрам" кичик корхонаси тумандаги 6-, 30-, 20-сонли умумтаълим мактабларини оталиққа олган. Ҳар йили мактаблар таъмири учун 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Қишлоқ ҳакимлик маскани биноси ҳам тадбиркор М.Акрамов ажратган 3 миллион сўм маблағ эвазига замонавий кўринишга эга бўлди. Тумандаги марказий ўйингоҳ, "Ёшлик" болалар оромгоҳини таъмирлашга ҳам ана шу саховатпеша тадбиркор бош қўшди. Тахна қишлоғида қурилган спорт майдончаси ҳам Маъмур Акрамовнинг хайрли ишлари натижасидир.

Маъмур Акрамов томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар эътибор ва эътирофдан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, унинг 2006 йилда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан таъсис этилган "Маҳалла жонкуяри" кўкракнишони билан тақдирланиши ҳам гапимиз тасдиғи.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

АВВАЛ ҲАШАР — СЎНГ БАЙРАМ ВА ХАЙРИЯ

Гулистон маҳалласи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бунёдкорлик, ободончилик борасидаги ишлари билан Ургут шаҳридаги бошқа маҳаллаларга ўрнак. Яқинда маҳалладошлар яна бир хайрли ишга бош қўшди.

— Маҳалламиз тоғ ёнбағрида жойлашган, — дейди маҳалла оқсоқоли Асатилло Ражабов. — Шу боис, кунлар исиб, ёғинли кунлар бошланиши билан ҳудудда сел хавфи кучаяди. Шуни ҳисобга олиб, маҳалламизда катта ҳашар уюштирдик.

Дастлаб маҳалла ҳудудидаги ўн гектарлик қабристон тозаланди. Сўнгра ака-ука Улаш ва Тожиқул Пўлатовлар ҳомийлигида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, Ойбек номли кўчада селга қарши таъмирлаш ишлари бажарилиб, 35 метр йўлга бетон ётқизилди. Бинокор кўчаси эса асфальтланди. И.Рофиев номли кўчада ҳам 200 метр узунликдаги ариқ бетон қилиниб, ариқ атрофига шағал тўкилди. Юзлаб дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Уюшқоқлик асосида ўтган ҳашар тадбирининг ниҳояси байрамга уланди. Маҳалладошлар байрам дастурхони атрофида тўпландилар. Кўй сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Юнус Гадоев, Баҳрилло Пардаев, Маъруф Узоқов, Ҳамро бобо сингари саховатпеша тадбиркорлар байрамни ташкил этишга ҳомийлик қилдилар.

Дарвоқе, маҳалла оқсоқоли А.Ражабовнинг ўзи ҳам саховатпешаликда маҳалладошларига намуна. Хусусан, оқсоқол ўз ҳисобидан маблағ ажратиб, маҳалладаги 3 ва 55-мактабларнинг бир неча аълочи ўқувчиларига стипендия қилиб бераяпти. Яқинда эса 30 нафар ўқувчига кийим-бош ва ўқув қуроллари олиб берди.

Жаббор НАБИЕВ

СУРАТЛАРДА: *Гулистон маҳалласида ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.*

МАҲАЛЛАДОШ...

агар унинг юрагида саховат ўти ёнса, обод кўнгиллар кўпаяверади

Наманган вилояти

Ҳар кишига бахту иқбол бўлса ёр,
Хайру эҳсон бирла бўлгай у номдор.

Донишмандлар бу доно сўзларни бежиз айтишмаган. Поп туманидаги М.Умрзоқов номли фуқаролар йиғининнинг Мозор маҳалласи фуқароси, эл дарди билан яшаётган саховатпеша инсон Йўлдошали Бахриддинов ҳам юқоридаги доно сўзларга мос равишда яшаётган замондошларимиздан бири.

У бундан бир неча йил аввал биринчилардан бўлиб фермерликка киришиб, Фарғона каналининг юқори қисмида жойлашган "Қушҳовуз" даҳасидаги тошлоқ дашт ерларидан 116 гектарида деҳқончиликни бошлади. Йўлдошалининг омилкорлиги ва меҳнатсеварлиги сабаб бўлиб бу ерлардан олинадиган ҳосил чўғи 10-12 центнердан 23-25 центнерга етди. У ташкил қилган "Зайлиддин — ота" ҳамда "З.Турсунов — Улуғбек" фермер хўжалиги деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Бугунги кунда Йўлдошалининг ишини фарзандлари Ҳусниддин ва Муроджон давом эттирмоқда. Йўлдошали ҳар бир ишга, айниқса, эҳтиёжманд кишиларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ишларига бош-қош.

— Ҳалол меҳнатдан кўрган даромадимиз туфайли маҳалладошларга озми-кўпми ёрдам беришга қурбимиз етганининг ўзи катта бахт. Бундан буён ҳам қурбимиз етганча хайрли ишларга шаймиз, — дейди у.

— Йўлдошали аканинг саховатидан маҳалладошларимиз ўн йилдан буён баҳраманд, — дейди Мозор маҳалласи оқсоқоли Абдуллажон Дадажонов. — Ҳар йили Наврўз сайлида бирикки бош қорамол сўйиб беради. Кам таъминланган оилаларга буғдой улашади. 5 та кам таъминланган оиланинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор.

Булардан ташқари, қабристон, масжидларни обод қилишга, маҳалладаги 28-мактаб ва "Ширинтой" болалар боғчаси биносини таъмирлашга ҳам ҳисса қўшди. Биргина Ғурумсарой қишлоғи кўчаларига тунги ёритгичлар ўрнатилиши учун бир миллион сўм сарфлади.

Бу йилги Наврўз сайлимизга қўшни Ғурумсарой, Тепақўрғон қишлоқлари аҳлини ҳам таклиф этдик. Йўлдошали ака катта новвосни сўйдирди. Сайлмисан-сайл бўлди-да. Бу тадбирда туманимиз ҳокими Рустамжон Исматуллаев ҳам иштирок этиб, Йўлдошали аканинг саховатли ишларини эътироф этди.

Й.Бахриддиновнинг бу хайрли ишлари мисолида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак" деган сўзлари бугунги кунда кўплаб юртдошларимизнинг ҳаётий шиорига айланганини кўрамиз.

Мўйдин МАТКАРИМОВ

Спорт

ҲАКАМЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов Халқаро футбол уюшмалари федерацияси/ФИФА/ томонидан 23-27 апрель кунлари ташкил этиладиган семинарда иштирок этиш учун таклиф қилинди.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган ФИФА қароргоҳида ўтказиладиган семинарга дунё бўйича жами йигирма олти нафар энг малакали ҳакам таклиф этилган.

Осиё футбол конфедерацияси /ОФК/ Равшан Эрматов семинарга жўнаб кетиши олдидан Олимпиада ўйинларининг саралаш босқичидаги учрашувлардан бирини бошқаришини маълум қилди. Унга кўра, ўзбек рефериси қитъанинг энг кучли олимпия терма жамоалари — Саудия Арабистони ва Австралия футболчилари ўртасида 18 апрель куни ўтказиладиган беллашувни бошқаради. Учрашувда Равшан Эрматовга Абдулҳамид Расулов, Бахтиёр Тоғаев ва Валентин Коваленко ёрдам беради.

Равшан Эрматов 25 апрелда Осиё чемпионлар лигаси мусобақасидаги "Кавасаки Фронтале" /Япония/ ва "Чуннам Драгонс" /Жанубий Корея/ ўртасидаги учрашувни ҳам бошқариши лозим эди. Лекин бу беллашув вақти ФИФА семинари муддатига тўғри келиб қолгани боис, ОФК мазкур баҳсга бошқа ҳакамни тайинлашга қарор қилди. Шундай бўлса-да, хорижлик ҳакамга учрашувни бошқаришда ҳамюртларимиз — Арслон Ҳотамов, Виктор Серазиддинов ва Валентин Коваленко кўмаклашади.

Осиё футболи мутасаддилари қитъадаги яна бир нуфузли мусобақа - ОФК кубоги доирасидаги беллашувларни ўтказишда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар ёрдамидан фойдаланмоқда.

ОФК таклифига кўра, ҳамюртимиз Алишер Мўминов 25 апрель куни ташкил этиладиган "Негри Самбилан" /Малайзия/ ҳамда "Сун Хей" /Сянгань/ баҳсида комиссарлик қилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Йиғинда аёл фаоллиги

Жиззах вилояти

Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласи Ватанимиз кўркига кўрк қўшаётган гўшалардан. Бу ерда айни пайтда 3568 нафар аҳоли истиқомат қилади. Вилоятдаги энг кўркам маҳалла гузарларидан бири ҳам худди шу ерда жойлашган.

Комиссия ва Маслаҳатчи ҲАМКОР

— Бундан икки йил олдин маҳалла фуқаролар йиғини идораси кўп қаватли уйнинг бир хонали хонадонида жойлашганди, — дейди йиғин раиси Валижон Норматов. — Маҳалламизда гузарга эҳтиёж катта эди. Шунда оқсоқолларимиздан Абдурайим ака Номозов, Карим ака Маматов, Соли бобо Исломов, Шаҳри опа Топилдиевалар ҳиммати ва ташаббуси билан барча қулайликларга эга бўлган гузар қурилди. Айни пайтда эса гузарнинг ёнида ҳомийларимиз кўмагида болалар спорт майдончаси қурилиши давом этмоқда. Бир сўз билан айтганда, бир жону бир тан бўлиб маҳалла ободлиги йўлида астойдил ҳаракат қиляпмиз.

— Раисимиз жуда тўғри гапни айтди, — дея суҳбатга қўшилди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Бобоқулова. — Биз, хотин-қизлар ҳам бу хайрли ишлардан четда турганимиз йўқ. Маҳалламизда 20 та кўча бўлиб, ҳар бир кўчага кўча оқсоқоли, хотин-қизлар орасидан ҳам бир нафардан кўча етакчиси сайлаб қўйганмиз. Бунинг натижасида кўчалару хонадонлар озода ва сариштa, қўни-қўшни бир-бирига оқибатли. Сўнгги икки йил давомида маҳалламизда биронта ҳам оилавий можаро бўлмади.

СУРАТДА: *маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Шаҳри Топилдиева ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гулнора Бобоқулова тикувчилик цехида.*

Бу ҳудудда жойлашган "Машҳура" фирмаси филиалининг ўқув марказида 250 нафар қизжувон ҳунар ўрганаяпти. Моҳир тикувчи Гулчеҳра Аҳмедова эса 12 нафар қизларга бичиш-тикишдан сабоқ бермоқда. Тадбиркор Муҳаббатхон Қўлматова раҳбарлик қилаётган цехда 30 дан ортиқ йигитлар эшик ва дераза ромлари ясашмоқда.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Бўлинма фаолиятидан

Сурхондарё вилояти

ИЖОБИЙ САМАРА

буни ўтган йилда амалга оширилган ишлар мисолида кўриш мумкин

"Маҳалла" жамғармаси Ангор тумани бўлинмасининг фаолияти кейинги пайтларда анча жонланди. Айниқса, бўлинма томонидан ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида олиб борилган ишлар барчага манзур бўлди. Туманда ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда, қонунбузарликка қарши курашишда, диний ақидапарастликнинг олдини олишда "Маҳалла" жамғармаси ташаббус кўрсатмоқда.

Маҳаллаларда балоғат ёшидаги йигит ва қизларни тиббий-кўрикдан ўтказиш, соғлом отаонадан соғлом фарзанд туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммоларига бағишланган тадбирлар бўлғуси келин-куёвларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, бўлинма томонидан ўтган йили бир нечта ногиронларга аравача олиб берилди, 86 нафар уруш, 50 нафар меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди. "Саховат уйи" болаларига ва тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Термиз тумани ҳудудида жойлашган Ҳаким ат-Термизий мақбарасини таъмирлашга ҳам маблағ ажратилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Шерали Мирзаев қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкор, ҳамфикр. Маҳаллада амалга оширилаётган ободончилик ишларида ҳам унинг муносиб улуши бор. Масалан, Гулистон маҳалласидаги сув тармоқларини янгилаш учун жамғарма ҳисобидан бир миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 66 хўжаликнинг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди. Жорий йилнинг бошларида бўлинма томонидан ҳудуддаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сони аниқланди. Ангордаги саховатпеша фермер ва тадбиркорлар кўмагида уларга моддий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳам ана шу мақсад йўлида 408 минг сўм миқдорида маблағ ажратди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *"Маҳалла" жамғармаси Ангор тумани бўлинмаси раиси Шерали Мирзаев (ўртада) иш пайтида.*

Эсиз одамлар, эй сиз, одамлар...

НОМАРД КУЁВ... "ЁВ"лик ҚИЛДИ

...Хаёл яхши нарсада! Кўзингни юмиб бир лаҳза ширин хаёлларга берилсанг бас — бир зумда гадо бўлсанг — бой бўласан, пиёда бўлсанг — машинали ва ҳоказо... Бир ишнинг бошидан тутмагани боис рўзғорига барака киритолмай юрган Йўлдош ҳам хом хаёлларга берилиб, бир зум ўзини бой-бадавлат ҳолда кўрди. Қарабсизки, қўлини қаёққа узатса етади: тагида машинаси "гижинглаб" турибди, кунда қуюқ зиёфат, данғиллаган уй-жой...

У қандай қилиб бойиш йўлларини излай бошлади. "Тадбиркорлик қилсам-чи?" Тадбиркорлик деганда, бир жойдан арзон олиб иккинчи жойда қимматига сотишдан бошқа нарсани тушунмаса ҳам, бу фикр унга маъқулдек туюлди. Бунинг учун мўмайгина пул керак...

Йўлдош шу заҳотиёқ қудалардан қарз сўраш илинжида ўзи яшайдиган Урганч туманидаги Чаккашоликор қишлоғидан Хива шаҳри томон йўл солди. Хиванинг Эски Қиёт қишлоғида яшовчи қудаси Абдулла ака уни қучоқ очиб кутиб олди. Меҳмондорчилик бошланди. Қудалар иззати бўлакча-да. Шайтон сувидан ҳам озгина отишиб, "қизишиб" олгач, Йўлдош мезбонга мақсадини айтди:

— Қудажон, озгина пул керак бўлиб қолди, ҳеч бўлмаса 500 минг сўм, бир ойга қолмай қайтараман.

— Бизда ортиқча пул нима қилсин, бўлса сендан аярмидик...

Йўлдош яна ўйга берилди: "Қуда бўлмай ўл, қурумсоқ! Бошқа чора излаш керак. Тўхта, унинг ўзини ҳам ишга солсам-чи?.." Йўлдош хаёлига келган ўйни шартта қудасига айтди. Унинг қинғир таклифи қуда бўлмишга ҳам ёқиб тушди, ахир шундай қилишса ким билиб ўтирибди? Бир кунда шунча пул, мол-дунё...

— Лекин яна бир ишончли шерик керак, — деди Йўлдош. — Ишимиз осонлашади, ўлжа ҳам кўп бўлади. Абдулла "шерик"ни тез топди:

— Бир одам бор, исми — Йўлдош, сенинг адашинг. Оғзига маҳкам, ҳам чаққон. Ўзи ҳам бизга қуда бўлади.

— Ўзимиздан экан-да, — деди Йўлдош, — кетдик!

Иккинчи қуданинг уйига йўл олишди, у ерда ҳам базми жамшид анча давом этди. Орада режа тузиб олишди, Йўлдошнинг адаши чиндан ҳам "мард" йигит экан: ҳеч тортинмай ўз қайнонасининг уйига ўғриликка тушишни таклиф қилди:

— Ўзи бева, уйида ҳеч ким йўқ, молхонасига кириш қулай, олди йўл — етаклаймиз-кетамиз. "Куёвлар ўғирлабди" деб ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмас, лекин барибир эҳтиёт бўлишимиз керак, мен кундуз куни сизларга қайнонамнинг уйини кўрсатиб келаман. Кейин кеч кириб қоронғу тушиши билан иккалангиз бориб ўмарасизлар, лекин арра пайти менинг улушимни ҳам тенг бўласизлар.

Йўлдош ўғри шерикларига қайнонаси яшайдиган Аваз Ўтар кўчасидаги 13-хонадонни кўрсатиб қўйди. Белгиланган тунда икки ғаламис ёлғиз яшайдиган аёлнинг уйига писиб боришди. Ой хира нур сочар, юлдузлар жимирлайди, ойдин тун қўйнида узоқдан Хива миноралари кўзга янада салобатли кўринади. Ўғрилар молхонадаги икки қорамол, бир бузоқни қозиғидан ечиб, кўчага етаклашди. Мол бозорга етар-етмас панароқ жойда тонг отишини кута бошлашди. Тонг отар-отмас бир даста пул санаб турган киши ёнидан мол бозор томонга ўта бошлади. "Ҳойнаҳой мол бозорга киришни мўлжаллаб турганга ўхшайди, сўраб кўриш керак!" ўйлади Йўлдош ва йўловчини саволга тутди.

— Ҳа, мен мол олмоқчиман, — деди нотаниш киши, — икки мол оламан, бузоғи билан бўлса, яна яхши!

Йўлдош қувониб кетди. Бу харидорни уларга худонинг ўзи етказди шекилли!

— Худди шундай мол бизда бор, кўринг, яхши мол, ноилож сотяпмиз, шошиб турибмиз. Хотинларимиз билан саёҳатга кетмоқчи эдик, улар бизни Урганчда вокзалда кутиб туришибди...

Ўғрилар ўз қудаси, куёви эканлигини билиб Аноржон она ёқасини ушлади: туф, туф, ё қудратингдан! Шунақаси ҳам бўлар экан-да, ўз куданг, ўз куёвинг хонумонингни куйдирмоқчи бўлса...

Савдо тезда пишди. "Харидор" сахий экан, айтганига рози бўлди. Лекин иримига мол нархидан минг сўм кечишларини сўради ва чорвани бир ўзи уйига олиб боришда қийналишини айтиб, "Ўзларинг ҳайдашиб борасизлар", дея шарт қўйди. Иш хамирдан қил суғургандек осон битганидан хурсанд ўғрилар даста-даста пулларни чўнтакка жойлаб, молларни етаклашиб йўлга тушдилар.

— Мана бу томонга ҳайданглар, — йўл кўрсатди харидор, — мана шу бинонинг орқа томонидаги дарвозадан...

Мол "эгалари" довдираб қолишди: ахир бу Хива шаҳар ички ишлар бўлими биноси-ку! Оббо!.. Бу қанақаси бўлди!? Улар жабрдийда Аноржон Худойберганова чорваси йўқолганини кечасиёқ билиб, ички ишлар бўлимига хабар берганидан албатта бехабар эдилар..

Ўғрилар ўз қудалари ва куёви эканлигини билиб Аноржон она ёқасини ушлади: туф, туф, ё қудратингдан! Шунақаси ҳам бўлар экан-да, ўз куданг, ўз куёвинг хонумонингни куйдирмоқчи бўлса.

Ҳалол меҳнат қилиб, бой-бадавлат бўлишга тоқати йўқ икки Йўлдош ва бир Абдулла қилмишига яраша жазо олди. Бечора Аноржон хола! У топилғанг молига севинсинми, бу ҳолдан озор чекиб қолган қизи, неваралари ҳолига куйсинми?..

Тўғри, юртимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос бўлган айрим муаммолар йўқ эмас. Лекин бу инсофу диёнатдан кечиб жиноят йўлига киришга, айниқса, юқоридаги воқеадаги каби одамгарчиликка мос келмайдиган нобакор ишларни қилишга сабаб бўлолмайди-ку?! Билагида кучи бор уч забардаст эркакнинг ҳалол меҳнатни кўзлаш ўрнига ўғирлик қилгани бир ҳисса аянчли бўлса, уларнинг ўзларига қуда-андачилик ришталари билан боғланган ожизани хонавайрон қилишга урингани бориб турган номардлик эмасми? Уларнинг бу қилмиши туфайли оила аъзоларининг, фарзандларининг маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар олдида боши эгилди...

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ҚОНУНГА ХИЛОФ ИШ...МИ?

Хотиним билан келишган ҳолда уч йил аввал олти ёшли болани ўз боқувимизга олган эдик (Боланинг отаси қазо қилиб, онаси бошқа киши билан турмуш қурган ва ҳозирда унинг онаси билан яшаш имконияти йўқ).

У онаси билан тез-тез учрашиб туришни хоҳлайди. Уни тарбиямизга олишимиз тўғрисидаги келишувда ҳам онаси билан кўришиб туришига шароит яратиб бериш мажбуриятимиз қайд этилган.

Лекин бола онаси билан учрашгач, бир неча кун тушкун кайфиятда юради. Шунинг учун мен уларнинг учрашишини истамайман. Бу чеклашим қонунга хилоф ишми?

Жавоб:

ОНАСИ БИЛАН КЎРИШИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг Фарзандликка олиш тўғрисидаги 20-бобида қайд этилишича, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади (153-модда, 1-банд).

Лекин сиз болани фарзандликка эмас, ўз тарбиянгизга олгансиз. (Агар фарзандликка олганингизда, чеклашга ҳуқуқингиз бўлар эди.) У ҳолда мазкур кодекснинг 22-боби (болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги) моддалари қўлланади.

Оила кодексининг 22-боб 197-моддасида оилага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари қуйидагича кўрсатилган:

— ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;

— уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Боланинг манфаатларига дахлдор ҳар қандай масала оилада ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақли.

Фарғона вилояти

ҲАММАГА ЗАВҚ УЛАШУВЧИ ҲАВАСКОР АЯ

Ёзёвоннинг Наврўз маҳалласида яшовчи Донохон ая Абдуҳамидовани одамлар санъатга шайдо инсон деб тан олишади, унча-мунча ашулаларни маромида ижро этгани учун ҳатто машҳур санъаткор Раҳима Мазоҳидовага менгзаб "Ёзёвоннинг Раҳимаси" деб таъриф ҳам беришади.

Ая эсини танигандаёқ доиранинг зарбига ўйинга тушиб, дуторнинг ёқимли навосига жўр бўлиб вояга етганини шундай эслайди:

— Оилада беш ўғил, уч қиз эдик. Дадам санъатни қадрлайдиган одам эди. Уйимиз тўрида доира, дутор турарди. Ҳар куни кечки таомдан сўнг дадам доира ё дутор чалар, бизни ўйинга туширарди. Мактабда ҳам бадиий ҳаваскорлар тўгарагига қатнашардим. 1965 йили республика кўригида қатнашиб, вилоятда биринчи ўринни олгандим ...

Ўшанда танлов ҳакамлари мусиқий билим олиш учун Донохонни пойтахтга олиб кетиш таклифи билан қизнинг отасига келишади. Қодир ота санъатни қадрлашига қарамай, бунга изн бермайди. Лекин Донохон мустақил изланади, янги қўшиқлар ўрганиб, оиласи, яқинлари даврасида куйлаб юради..

— Ёдимда, бир куни турмуш ўртоғим ва дадам учаламиз Қўқон шаҳрига айлангани бордик, — суҳбатда давом этади Донохон ая. — Аввал музейга, кейин истироҳат боғига кирдик. У ерда қовун сайли бўлаётган экан. Боғдаги саҳнада фольклор ансамблар, ҳаваскор хонандалар ижросида концерт бўлаяпти. Шу пайт дадам "Қизим, саҳнага чиқиб бир ашула айтиб бермайсизми?" деб қолдилар. Бошқа ижрочилардан изн олиб, саҳнага чиқдим, иккита лапар айтдим. Гулдирос қарсак бўлди. Саҳнадан тушсам, одамлар атрофимни ўраб олишди, кўпчилик мени пойтахтдан келган санъаткор деб ўйлашган экан.

... 1998 йили турмуш ўртоғим оғир хасталикка учраб, узоқ вақт касалхонада даволанди. Бир куни ундан хабар олгани автобусда кетаётсам, икки йўловчининг бир-бирига мен томон имлаб "шу аёл Раҳима Мазоҳидовага ўхшаркан", дегани қулоғимга чалинди. Шу онда сиқилиб, юрагим тўлиб турган эканми ёки ўзим севган санъаткорга ўхшатишганидан хурсанд бўлибми, хуллас, ўша дамда Чустий ғазали билан айтиладиган "Индамаслар оламмі" ашуласини куйлай бошладим. Шунда бир отахон ҳайдовчидан автобусни ярим соат четга тўхтатиб туришини илтимос қилди, бошқа йўловчилар ҳам унга ҳамфикр бўлишди. Автобус йўл четига чиқиб тўхтади. Ярим соат берилиб қўшиқ куйладим, одамларнинг завқланишлари менга куч берарди. Шифохонада қўшиқ куйлашимни сўрайдиган беморлар кўп эди, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилардим...

Донохон Абдуҳамидова мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтказилган турли танловларда иштирок этиб, ғолиб бўлди.

1996 йили Мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилган ҳаваскор қўшиқчилар танловида ўзи куй басталаган "Ватан мадҳи" ашуласини куйлаб, мутлоқ ғолиб бўлган эди. Бу кунларни Донохон ая қувонч билан эслайди:

— Оддий ҳаваскор бўлсам-да, мустақиллик шарофати билан катта саҳнага чиқиш, Ватанимизни шарафлаб ашула айтиш менга насиб этди. Бу бир умрлик орзуим эди.

Донохон ая айни кунда 60 ёшни қаршилаб қолган бўлса-да, доирани қўлидан қўймайди. Маҳалладаги тадбирларда, аёллар иштирокидаги давраларда, қолаверса, набиралари ҳузурида ашула айтиб, одамларга завқ улашмоқда.

Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ

Аждодларимиздан бири...

САМАРҚАНД СОҒИНЧИ

Ёҳуд Абдуллахон иккинчи — шоир Хон ижоди хусусида

Зарафшон водийси ўғлони Абдуллахон Миёнкол ҳокими Искандархон бин Хожагум бил Абулхайрхон оиласида 1533 йили Кармина (тарихий манбаларда Кармана шаҳри шундай номланган) шаҳрида туғилган.

Абдуллахон 18 ёшида Карминани 12 кун давомида мудофаа қилади ва қамални сулҳ тузиш билан тугатишга эришади.

Абдуллахон 24 ёшида, яъни милодий 1557 йил 5 июнь куни Бухоро ҳокимияти тепасига келишга муяссар бўлган. Бухоро қўлга киритилгач, Миёнкол ҳокими бўлиб ҳукмдорлик қилаётган отасини Карминадан олиб бориб, ўша йили Бухоро тахтига ўтқазади ва уни "Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори" деб эълон қилади. 1583 йилда отаси бандаликни бажо этгач, ўзини олий ҳукмдор — "Хонлар хони" деб эълон қилади. 1598 йилга қадар Зарафшон водийсида ўз ҳукмини юритади.

Абдуллахон ўзининг қирқ бир йиллик ҳукмдорлик фаолияти билан тарих саҳифасида из қолдирган: Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон ўртасида сиёсий муносабатлар йўлга қўйилган, Русия билан савдо алоқалари ўрнатилган. Қурилишлар кенг кўламда ривожлантирилган, мамлакат ободонлаштирилган, йирик иншоотлар бунёд этилган.

Абдуллахон Искандари Соний — Иккинчи Искандар деган фахрли нисба билан эзъозланган ҳукмдор.

У ёшликдан адабиётни севган, шеъриятга ихлос қўйган. Бу қизиқиш уни умр бўйи тарк этмаган. Аруз сирларини пухта ўзлаштириб, истеъдодли шоир бўлиб етишган. Хон тахаллуси билан шеърлар ёзиб, мумтоз адабиёт тарихида муносиб из қолдирди.

Адабиётга синфийлик нуқтаи назардан ёндошиш оқибатида бошқа амалдор ижодкорлар каби Абдуллахоннинг номи ҳам таҳқиру таъқибда тутиб келинди. Шоирлиги тўғрисида фикрлар билдирилди, аммо кейинги юз йиллик давомида Хон ҳазратларининг ашъорлари номаълумлик гирдобига тушиб, авлодлар унинг асарларидан бебаҳра қолдилар. Бу борада юзага келган мавҳумликка Мутрибий Самарқандий тазкираси бирмунча ойдинлик киритади.

Машҳур мусиқашунос, етук шоир ва йирик адабиётшунос Султон Муҳаммад Нойи Мутрибий Самарқандий 1559 йилда Самарқандда дунёга келган. У 1620 йилгача Самарқандда яшаган. Тарихнавис олимнинг бизгача уч асари етиб келган: "Тазкират уш-шуаро", "Нусхайи зебойи Жаҳонгирий", "Хотироти Мутрибий".

"Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар ҳақида ёднома") милодий 1604-1605 йилларда ёзилган. Бу асар аштархонийлардан Вали Муҳаммадхонга бағишланган бўлиб, унда XVI асрнинг сўнгги чораги ва XVII асрда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик 328 нафар шоир ҳақида маълумот берилган.

Тазкирада нуфузли мансабдорлару "шоирлик чопонини қийган ва девони Мовароуннаҳрда машҳур бўлган шоирлар"дан тортиб паст табақадан чиққан оддий қалам аҳлларигача, яъни Хондан тортиб то деҳқон шоиргача ижодиёти имкон даражасида ёритиб берилган.

Олим ўзининг "Тазкират уш-шуаро"сида Абдуллахон — Хон ижодий фаолияти тўғрисида фикр билдириб, унинг асарларидан намуналар берган.

Шайбонийлар сулоласи вакилларидан бири бўлмиш Жувонмард Алихон 1572-1573 йилларда Самарқанд ҳокими бўлган. Абдуллахон ғазал воситасида дўстона суҳбатлашиш мақсадида унга мурожаат қилган. Шунинг учун Мутрибий тазкирада ҳазрат Хоннинг Самарқанд соғинчи жўшқин мисраларда ўз ифодасини топган, форсийда битилган ғазали олдидан ўқувчининг тушунишини осонлаштириш мақсадида қуйидаги жумлани келтиришни жоиз билган: "(Абдуллахон) ин ғазали дилкашро гуфта ба Жувонмард Алихон аз Бухоро ба Самарқанди фиристода истеъдои жавоб карда буданд". (Таржимаси: "(Абдуллахон) бу дилкаш ғазални айтиб, Жувонмард Алихонга жавоб бериш муддаоси билан Бухородан Самарқандга — унга юборди").

Мутрибийнинг бу эътирофи мазкур ғазал худди ана шу даврда, яъни 1572-1573 йилларда ёзилган, деб хулоса чиқаришга имкон яратади.

Тазкирада Хоннинг ўзбек тилида ёзилиб Мирзо Наврўз, Мирзо Қўшаёқларга атаб айтилган матлаъдан иборат бир байти ҳам берилган.

Бу ижод намуналари тадқиқ этилмаган, матбуотда ҳам эълон қилинмаган.

Биз Султон Муҳаммад Нойи Мутрибий Самарқандийнинг Асқар Жонфидо ва Али Рафии Алои Марвдашти томонидан 1999 йилда Теҳронда нашр этилган "Тазкират уш-шуаро" тазкирасини ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган "Тазкират уш-шуаро"нинг 2253 тартиб рақамли қўлёзма нусхасини асос қилиб олдик.

Саркарда, аҳли фузало ва шуаро раҳнамоси Абдуллахон Иккинчи — Хон қаламига мансуб бу ижод намуналари қўлёзма битикларнинг сарғиш саҳифаларида тўрт юз йилдан ортиқ давр мобайнида асраб, авайлаб, авлодларга етказиш учун сақланиб келинган шоир адабий хазинасидаги ноёб ёдгорликдай туюлади.

Дўст дийдорига ташналик, дўстнинг дилбар суҳбатлари лаззатидан тўйиб қониқмаслик туйғуларини ифодаловчи Мирзо Наврўз ва Мирзо Қўшаёқларга бағишланган байт ҳам, Ер юзининг сайқали саналмиш Самарқанд бағрига муштоқлик, тенгсиз чирой кашф этган қўш гумбазли қадимий манзилнинг гўзалликларидан туғилган туғён, бутун дунёни ҳайратга солган бозору ундаги қора кўз парирўйлар, ҳавоси жонга роҳат Боғимайдон, жаннатмисол қоғоз жувозу расадхона соғинчидан пайдо бўлган интизорлик, Ватанга муҳаббат, чексиз садоқат қалбида жўш урган буюк мартаба соҳиби — "Хонлар хони", деб ном олган бандаи ожизнинг кўплаб улуғларнинг сўнгги манзили бўлмиш машҳур Шоҳизинда тупроғини кўзларига тўтиё айлаб, бу маконда ҳатто қул бўлиб хизмат қилишни ўзининг энг улуғ орзуси деб билишини тараннум этувчи ғазал ҳам Хон ҳазратларининг ўзига хос овози, ўз услуби, ўз қарашларини маълум бир кўринишда намоён этиб, нафосатга илҳақ ошуфта кўнгилга таскин беради.

Хоннинг бошқа асарларини излаб топиб, мунтазир ўқувчиларни баҳраманд этиш адабиётшунослик олдидаги долзарб вазифалардандир.

Исмат САНАЕВ,
филология фанлари номзоди

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунлар маъмурий масалаларни ечиш учун қулай. Ишдаги мавқеингиз ошиши, сафарга чиқиши ёки янги иш бошлашингиз мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳафтанинг дастлабки икки куни сиз учун жуда омадли кечади. Шу кунларда режадаги ишларингизни амалга оширишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ушбу ҳафтада шахсий ҳаётингизда катта ўзгаришларга сабаб бўлувчи вазиятлар юзага келиши эҳтимоли бор. Жумада асабийлашманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда ҳамманинг диққат марказида бўласиз. Шу боис ҳар бир ишни масъулият билан бажаринг. Чоршанба харид учун жуда қулай.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафта ўртасида ўз имкониятларингизни тўғри баҳолашга ҳаракат қилинг. Чоршанба куни сизни қизиқарли учрашувлар кутмоқда.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ушбу ҳафта кўпчилик тадбиркорларга мўмай даромад келтириши эҳтимоли бор. Сешанбада ҳамкорлар билан мулоқотда босиқроқ бўлинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда шахсий муносабатларингиз бирор бир масалага холис ёндошишингизга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафта мазкур бурж вакиллари учун тинч ва осуда кечади. Ҳафтанинг дастлабки уч кунида иш фаолиятда яхши натижаларга эришасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳамкасблар билан муносабатда зиддиятлар келиб чиқиши мумкин. Якшанбада харид билан шуғулланманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ушбу ҳафта барча соҳада сермаҳсул бўлади. Сиз турли учрашувлар белгилашингиз мумкин. Уларнинг ҳаммаси омадли кечади.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафта бошларида янги ижодий лойиҳалар устида иш бошлайсиз. Бу сизнинг кайфиятингизга ва руҳиятингизга ижобий таъсир кўрсатади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Айни кунларда келажагингиз эмас, ўтмишингиз ҳақида кўпроқ ўйлашингизга, туғалланмаган ишларни охирига етказишингизга тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси

ТАНТИ ДЕҲҚОН, МИРИШКОР БОҒБОНЛАР ЮРТИ...

Эллиққалъада одамларнинг фидокорона меҳнатлари боис, яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари аҳиллик билан олиб борилмоқда. Натижада шаҳар янада чирой очиб, мустақил юртимизнинг сўлим гўшаларидан бирига айланди.

Туман ёшлари 70 та умумтаълим мактаби, битта академик лицей ва 5 та касб-ҳунар коллежида таълим-тарбия олмоқда. Яқинда юртимизда кенг нишонланган Наврўзи оламни кўтаринки рухда, улкан бунёдкорлик ишлари билан кутиб олган эллиққалъалик бободеҳқон эзгу ниятлар билан ерга уруғ қадамоқда, боғ-роғларни кўздан кечириб, ҳар бир ниҳолни меҳр билан парваришламоқда.

Тумандаги Амир Темур номидаги боғ барпо этилганига 14 йил тўлди. Бу ерда 280 турдаги манзарали дарахт ва буталар парваришланади. Шаҳарнинг чирой очиб, кўркам қиёфага киришида бу боғда сидқидилдан меҳнат қилаётган каттаю кичик ходимларнинг муносиб улуши бор...

Шахсий ўрнак — энг тўғри тарбия

ИЛЛАТНИНГ ЧОРАСИ — ИНСОН ИРОДАСИ

Бугунги кунга келиб мутахассислар чекиш инсониятга табиий офатлар ва оғир хасталиклардан ҳам кўп қирон келтираётганини аниқ далиллар ва таҳлиллар асосида исботлаб бердилар. Шу боисдан кўпгина давлатларда, ўқув ва тиббиёт муассасаларида, жамоат жойларида чекишни таъқиқловчи махсус қонунлар қабул қилинган. Лекин бундай чораларга қарамай, дунёда чекувчилар сони камаймаяпти.

Ҳаттоки кўп йиллар давомида сигарета чекиши оқибатида ўпка саратони касалига йўлиққан америкалик бир фуқаро дунёга машҳур тамаки ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири билан судлашиб, жуда катта миқдорда товон пули ундиргани, энг ачинарлиси, ундирган маблағи эвазига ҳам саломатлигини тиклолмай, тез орада дунёдан кўз юмгани каби аянчли ҳолатлар ҳам чекувчиларга ибрат бўлмаяпти. Одатда жамоатчилик бу зарарли одатни айб санамайди, ҳатто зиёли, маърифатли кишиларнинг ҳам бу зарарли иллат асирига айланганини кўп кўрамиз. Замонамиз шифокорлари аслида чекиш наркомания (гиёҳвандлик) касаллигининг бир тури ҳисобланишини таъкидламоқдалар. Лекин бутун дунё миқёсидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шифокорлар ва турли оммавий ахборот воситаларининг инсониятни кашандалик балосидан асраш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳозирча бесамар кетмоқда.

Хўш, унда келажак авлодни, ёшларимизни бу иллатдан қандай сақлашимиз мумкин? Бунда энг самарали йўл — муаммонинг ҳар бир оилада, ҳар бир ота-она томонидан эътиборга олинишидир. Ёшлар тарбиясида фақат таъна-дашномлар иш бермаслигини барчамиз биламиз. Шу боисдан, ота-оналар шахсий ўрнак кўрсатишлари, фарзандларининг юриш-туришини зимдан кузатиб, чиқарилган тўғри хулоса асосида уларга тарбия беришлари лозим бўлади. Чунки ўсмирлар ўқитувчисига, акасига, отасига таклидан панапасқамда беркиниб чекишни бошлайди. Бу ёшда кайфият беқарорлиги, ўзини кўрсатишга интилиш, атрофдагилардан устунликка эришиш истаги, уйдаги ва мактабдаги тартибларни ёқтирмаслик ҳолатлари кузатилади.

Ўсмирлар организми турли хил заҳарлар, айниқса, никотин таъсирига ўта сезгир бўлади, шу боис чекиш улар учун ўта зарарлидир. Чекадиган ўқувчиларнинг хотираси, фанларга қизиқиши ва ўзлаштириши кескин сусаяди.

Масалан, чекишни бошлаган ўспирин жисмоний меҳнатда тез толиқадиган, жиззаки, бетгачопар бўлиб қолади. Математика, мантиқ (логика), кимё, шахмат ва бошқа йўналишдаги масалаларни ечишда қийналади. Уларнинг турли психологик синовлардан ўтиши ва диққатни бир жойга жамлаши ҳам осон бўлмайди.

Кўпчилик чекишга ружу қўйган кишилар ўзларини оқлаш мақсадида, чекишни канда қилмаса-да, узоқ яшаб, салмоқли ижод этган машҳур олимлар, адибларни рўкач қиладилар. Бундай фикрга ўз вақтида буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой жуда муносиб жавоб берган: "Биз, ички дунёси бой бу кишиларнинг бошни гангитадиган гиёҳларнинг тубанлаштирувчи таъсирига дучор бўлсалар-да, улкан ишларни бажарганликларидан шундай хулосага келамиз: агар уларнинг бошлари гангимаганида эди, бундан ҳам улкан ишларни амалга оширган бўлар эдилар".

Хуллас, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни чекишдек зарарли иллатдан сақлашда барча имкониятларни ишга солишимиз, тарбия усулларидан фойдаланишимиз муҳим. Бу ўринда маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлиги, айниқса, ёшларнинг шуурига маҳалла-қўйчиликнинг ўзига хос тартиб-тамойилларини сингдириш ҳам яхши самара бериши шубҳасиз.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ,
Андижон давлат Тиббиёт институти ассистенти, маънавий-ахлоқий тарбия ишлари услубчиси.

Хоразм вилояти

МИЧИКО ХОНИМ МАСЛАҲАТЛАРИ

Яшикава Мичико хоним Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖСА)нинг йўлланмаси билан Хива шаҳридаги "Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази"да ёшларга касб-ҳунар ўргатади.

— Хивалик ёшларга қойилман! — дейди Мичико хоним, — улар айтилган топшириқни тўғри тушуниб, тезда бажаришга ҳаракат қилишади.

Марказда ҳунар ўрганаётган Сангар маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Юсупова, Юлдуз ва Лайло Отажоновалар, журёнлик Ирода Абдуллаева, Гулнора Матниёзова, Урганч шаҳридаги Тозабоғ маҳалласидан Азамат Матчонов, Хива шаҳридаги Янгитурмуш маҳалласидан Рисолат Машарипова, Каптархона маҳалласилик Умида Жуманиёзовалар хорижий услубдаги бичиш-тикиш сирларини астойдил ўрганмоқдалар.

... Катта стол устида турли матоларнинг қийқимлари. Улардан одатда момоларимиз, оналаримиз қурамиш кўрпача ёҳуд дастурхон тикканлари бизга азалдан маълум. Бироқ бу ерда қийқимлардан тамоман бошқа нарсалар тайёрланаяпти. Шойи, бахмал, адрас, вильвет ва бошқа матоларнинг кичик-кичик, узун-қисқа қийқимлари Мичико хоним ва унинг шогирдлари қўлида ўзгача жило топиб, турли сумкалар, деворга илиб қўйиладиган чиройли совғаларга айланмоқда. Уларда қадим Хива кўринишлари акс эттирилаётганлиги кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

— Хорижлик сайёҳлар кўпроқ қўлда тайёрланган буюмларга қизиқадилар, — дейди Мичико хоним. — Яна шуниси аҳамиятлики, буюмларга ўша юртга хос бўлган нақшлар, табиат тасвири, турли безаклар берилса, бу маҳсулотнинг янада харидоргир бўлишига хизмат қилади. Биз ҳам фаолиятимизда ана шу жиҳатларга кўпроқ урғу беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Утерянный гос.ордер № 13-03/1535 от 29.07.2002 г. о праве собственности на квартиру на имя Саидалиев Лутфулло Хайруллаевич считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 04-21/264 от 08.02.1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Денисова Екатерина Юрьевна считать недействительным.

"NIKO-SERVIS" МЧЖ Устав фонди 110 890 350 сўмдан 54 178 070 сўмгача камайтирилади. Манзил: Тош.ш. Юнусобод тумани, 19-мавзе, Теша Зоҳидов кўчаси.

Яккасарой туманидаги 118-мактаб томонидан 2002 йилда Қодирова Нилуфар Абдумуталовна номига берилган O'R Z 1428311 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный гос.ордер № 05-01/11378 от 23.07.1993 г. о праве собственности на квартиру. на имя Моисеевой Люсьенас Степановны считать недействительным.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Расулходжаева Дилноза Анваровна номига берилган 034301 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"MIRALI-OTA" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси (ОКОНХ 83200) МЧЖ "MIRALI-OTA" га айлантирилади. Даъволар 1 ой давомида Тош.ш. Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси савдо растасида қабул қилинади.

СП ООО "AZIR INSHAAT" (код по ОКПО 21302343) сообщает о переименовании в СП ООО "BAU PROJEKT MANAGEMENT". Претензии принимаются в течении 1 месяца по адресу: г.Ташкент, Шахрисабзская, 16 "А".

Утерянный диплом № 308598 (рег. № 12206) об окончании СПТУ-4 г.Ташкента выданный в 30 июля 1979 г. на имя Исламгалиев Наиль Асгатович считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 632 о праве собственности на магазин выданный 7 сентября 1995 г. Юкори Чирчикским РОВД на имя Наркулова Назирулла считать недействительным.

ХТ "Закруллаева"га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади. Тошкент.ш. Учтепа тумани.

ЧП "BARAKA BIZNES OLAM" (ОКОНХ 18113) Ташкентская обл. Г.Ахангаран ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев.

ХФ "BEK SHAXZOD BIZNES" (ОКПО 20347131, ОКНХ 17310) тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 444-25-07.

Утерянный диплом № 52 выданный 25.06.1992 г. Ташкентским Юридическим колледжем на имя Абдухалиловой Наргизы Азимжановны считать недействительным.

Утерянный аттестат N O'R-2 320862 выданный 14.06.1999 г. ср.школой № 287 г.Ташкента, А.Икрамовского р-на на имя Зарифова Яомо считать недействительным.

Утерянный диплом UB-1 W 236434 (рег.10535) об окончании Ташкентского Электротехнического института связи выданный в 1982 г. на имя Давлеттчурин Хамид Ярмухамедович считать недействительным.

ЧП "JAMILUN-OSIYO" (код по ОКПО 20968353) Юнусабадского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: Юнусобод тумани, 1 линия Барнаульская кўчаси 14-уй.

ООО "Global Consulting Network" (код по ОКПО 19513950) зарегистрированное в М.Улугбекском р-не, пл-Х.Алимджана, 13-а, ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по вышеуказанному адресу: тел: 137-49-94

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета таргиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 11 апрель
15 (565)

16050 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 22.15
1 2 3 4 5